




КЕЧА ТОШКЕНТДА «ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» ТУРНИРИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

3 сентябрь, сешанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 180 (1432)

ТАРИХИМИЗ ВА ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎЗГУСИ

ТОШКЕНТДА ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИДА ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ОСИЁДА ЯГОНА БУ МУЗЕЙНИ БАРПО ЭТИШ ФИКРИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ БАҲОРДА ХАЛҚАРО ОЛИМПИА КҮМИТАСИНИНГ ЛОЗАННАДАГИ ҚАРОҒОҲИГА ВА БУ ЕРДАГИ ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА ТУГИЛГАН ЭДИ.

Ушанда юртбошимиз Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай музейи бўлажagini, у мамлакатимиз халқининг шонли тарихи, анъаналари, мардligи ҳақида ҳикоя қилувчи маскан бўлишини таъкидлаган эди.

Музейнинг очилиш маросимида Халқаро олимпия кўмитаси (ХОК) президенти Хуан Антонио Самаранч жаноблари ташриф буюрди. Гуваҳ қилиб таъмирдан чиқарилган музей остонасида Ўзбекистон Президентлиги Ислам Каримов ва ХОК президенти Хуан Антонио Самаранч республикамиз спорт фахрийлари, Олимпия уйинлари совриндорлари ва иштирокчилари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари, журналистлар қарши олди. Тантанали маросимга хоржий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари вакиллари ҳам тақдир этилган эди.

Карний, сурнай ва доиранинг уйноқи садолари остида миллий либосдаги қизлар хурматли меҳмонларга Ўзбекистон заминининг анвойи гулларини тақдим этилди.

Ўзбекистон Олимпия кўмитаси президенти Собир Рузиев истиқлолнинг шонли 5 йиллик нишонланаётган шу кунларда музейнинг очилиши спортчилар учун қўшалоқ байрам бўлганини, янги музей мамлакатимиз раҳбариятининг спортни ривожлантириш ва соғлом авлодни тарбиялашга бераётган катта эътибори далолати эканини қайд этди.

Сўз навбати юртбошимиз Ислам Каримовга берилди. Ўзбекистон раҳбари бу музей шунчаки экспонатлар намойиш этиладиган жой бўлибгина қолмай, мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш ва таълим-тарбия маскани ҳам бўлажagini таъкидлади.



Ўзбекистон спортини қўллаб-қувватлагани ва унинг халқаро майдонда ўз урнини эгаллашга қўшган улкан ҳиссаси учун Хуан Антонио Самаранч жаноблари Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланганини айтди. Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч тақдим этди. (Президентимизнинг Олимпия шон-шўҳрати музейида сузлаган нутқи матбуотга эълон қилинмоқда).

ХОК президенти Ўзбекистоннинг бу юксак мукофотини Халқаро Олимпия кўмитасининг ер юзидда тинчликни мустақамлаш, спортни ривожлантириш борасида амалга ошираётган савоб ишларининг эътирофи сифатида мамнуният билан қабул қилишини айтди.

— Президент Ислам Каримов спортнинг жамият ҳаётида туган урнини бениҳоя теран аниглайди, — деди жумладан, ХОК президенти. — Ана шу боис ҳам

юртингизда спорт юксак суратлар билан ривожланмоқда. Мен ушбу музей ҳаётидаги турли мусобақалардан Ўзбекистонлик спортчилар келтирилган медаллар билан боийишта ишонманам. Атлантада бўлиб ўтган олимпия уйинлари совриндори Карим Тулаганов музейнинг олимпиядачиларга юксак совға эканини қайд этди. Ўзбекистон спортчилари Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишга ва юксаклирига интилишини таъкидлади.

Сунтра Ўзбекистон Президентлиги Ислам Каримов ва Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч янги музей остонасидаги лентани қирқдилар.

ХОК президенти музей экспонатларини кўзлан кечирар экан, у Лозаннадаги Олимпия шон-шўҳрати музейидан қилинмастлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки халқаро Олимпия ҳаракати тарихи, миллий уйинлари, анъаналари, тарихи ҳақида Халқаро олимпия кўмитаси, хусусан, Хуан Антонио Самаранч жаноблари ҳам кўмак берди.

Журналистлар Ўзбекистон Президентлиги Ислам Каримов ва ХОК президенти Хуан Антонио Самаранчга бир неча саволлар билан мурожаат қилдилар.

— Биз мамлакатимиз мустақилликка эришган илк дақиқалардан овоз ва демократик жамият қуриш ниятида эканимизни таъкидлаган эдик, — деди Ислам Каримов журналистларга. — Жаҳон халқларининг турли соҳаларда, жумладан, спорт соҳасида эришган ютуқларидан воқифлик, жисмоний ва маънавий баркамоллик бизни ўзимизни янада овоз, эркин сезишимизда кўмаклашди. Спорт жамиятини, халқни соғлом қилади. Юксак ниятларни амалга оширар эканмиз, спорт бизга куч-гайрат ва илҳом беради, руҳимизнинг доимо тетик бўлишига кўмаклашди.

Хуан Антонио Самаранч журналистларнинг келгусида Тошкентда олимпия машғулоқлари бўлишига ишонганини, — дедан саволга ижобий жавоб қайтарди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришганига эндиgina беш йил бўлди, деди у жумладан. — Мамлакатимиз бунун турли соҳаларда юксак олимлар билан илгариллаб, жадвал ривожланиб бормоқда. Спорт соҳасида ҳам катта ишлар қилинмоқда. Келажакда ана шундай ютуқлар самаралари сизга Тошкентда олимпия уйинларини ўтказиш имконини беришига аминман.

Олимпия шон-шўҳрати музейининг очилиш маросимида Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент,
Азиз қардошим,
Қардош Ўзбекистон халқини ўз мустақиллигини қўлга киритганининг беш йиллиги билан қизгин қутлайман.

Ўзбекистон беш йил аввал истиқлолга эришганида халқларимиз ўртасидаги ажралмас ришталардан куч олган мусобақаларимизда янги дўстлик кўприklarини бунёд этиш учун биргаликда қилган ҳаракатларимиз Сизга маълум.

Бугунги кунда муносабатларимизда эришилган юксаклик жуда қисқа бир муддатда қўлга киритилган буюк муваффақиятларнинг намойиш этмоқда. Туркия келгусида ҳам давлатларимизнинг бир-бири билан янада яқинлашуви йўлида ҳаракат қилаверайди.

Дона раҳбарлигиниз остида давлатингизнинг тараққиёт ва ислохотлар йўлида қўйилган муваффақиятли олимларини қўллаб, Сиз орқали бутун ўзбек халқини муборакбод этаман.

Абадий дўстимиз Ўзбекистоннинг сўнас мустақиллик байрамларини доимо фаровонлик ва бахт ичида нишонлашини тилаб, ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Туркия Жумҳурияти Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,
Индонезия ҳукумати ва бутун халқ номидан ҳамда шаҳсан ўз номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллик кунининг байрам қилиниши муносабати билан самимий табриклашга руҳлат эттайсиз.

Халқларимиз бир-бирини яхши билди олиши учун давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам давом этишига ишонманам.

Шаҳсан Сизга сизат-саломатлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига доимий равақ ва фаровонлик тилашга ижозат берайсиз.

СУХАРТО,
Индонезия Республикаси Президенти.
(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Хуан Антонио Самаранч жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!
Азиз дўстлар!
Халқимиз озодлик ва ҳуррият наҳидасидан баҳраманд бўлган улуг айём — Мустақиллик байрами муносабати билан ҳаммангизни самимий табриклашга ижозат берайсиз.

Ўзбекистон Олимпия шўҳрати музейининг Мустақиллик байрами кунинда очилишининг ҳуқур рамзий маъносини бор. Ўзбекистонда спорт ҳаракатининг анж олиши ва истиқлол — бир-бирита чамбарас боғлиқдир.

Бугунги тантананда дунё

олимпия ҳаракатига муваффақиятли бошчилик қилаётган, саломатлик, халқлар ўртасидаги дўстлик, бирдамлик, дунёдаги ҳар қайси кишининг ҳаёти мазмунига айланиши учун фидойийлик кўрсатаётган Хуан Антонио Самаранч жанобларининг иштирок этаётгани янада қувончлидир.

Биз бу ташрифни Халқаро Олимпия кўмитаси томонидан мамлакатимиздаги спорт ҳаракатининг қўллаб-қувватланиши, халқимизга нисбатан самимий ҳурмат рамзи ва спортчиларимиз эришаётган ютуқларнинг эътирофи деб биламиз.

Халқаро Олимпия ҳаракати ҳозирги кунда бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва мустақамлашда етакчи кўчлардан бирига айланмоқда, десак асло хато бўлмайди.

Мен бир нарсасга аминман, ҳеч бир халқнинг қудрати, машқурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўлларнинг ёки бошқа қурол-яроғларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор, миллининг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамок керак.

(Давоми 2-бетда).

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР БОШЛАНДИ

Мустақил мамлакатимизнинг спорт соҳасида ҳам жаҳон миқёсида нуфузи ортиб бормоқда. Юртимиз вакиллари халқаро мусобақаларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Уларнинг галабалари шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро турнири, таъбир жоиз бўлса, ана шу хайрли ишларга кенг йўл очиб берди.

Бугунги кунда мазкур турнир анъанавий тус олиб учинчи марта ўтказилаётир. Унда қатнашувчилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йилги голиблик учун курашувчилар орасида АКШ, Франция, Россия, Португалия, Словакия, Швейцария каби ўнлаб мамлакатлардан келган моҳир теннисчилар бор.

2 сентябрь кун «Юнусов» теннис мажмуида ана шу мусобақанинг расмий очилиш маросими бўлди.

Маросимда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз барча спорт муҳлисларини катта теннис байрами билан қўтлади. Мусобақа ташкилотчиларига, ахам ва қатнашчиларига, Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранчга, теннис жонқуяри Сассон Кашшурига миннатдорлик билдириди.

Халқаро теннис мусобақаларининг ташкилотчиси С. Кашшур ўз сўзида кейинги йилларда Ўзбекистонда спорт, хусусан тенниснинг ривожланишига шохид бўлди, бу мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларнинг ёрқин намойишини деди.

Дарҳақиқат, қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда қўлаб спорт иншоотлари, бир-биридан кўрак теннис кортлари, сув ҳавзалари бунёд этилди. Каттаю кичик спорт билан илҳос қўйиб шугуullanмоқда. Теннис бўйича «Хавас», «Ибрат» турнирлари ўтказила бошланди.

(У.А.)



Мусобақа очиб деб эълон қилинади. Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Кўкка олов фавворалар отилади.

Мусобақа қатнашчилари майдонга тушади. Томошабинларни ҳаяжонга солаётган кескин спорт курашлари бошланади...

Турнирнинг очилиш маросимида республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур турнирни ўтказиш республика ташкилий кўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулаганов қатнашди.

(У.А.)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕННИС БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Хуан Антонио Самаранч жаноблари!
Хурматли меҳмонлар ҳамда мусобақа қатнашчилари!
Азиз дўстлар!
Кунни кеча бизлар жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг беш йиллигини катта қувонч, кўтаринки руҳ билан нишонладик. Истиқлол шароитида қилган ишларимизга яқун ясадик, илҳом берар эканмиз, илҳом берар эканмиз.

Эту ниятли халқимизда «Тўй тўйга улансин!» — дедан сермазmun ибора бор. Мана, истиқлолимизнинг беш йиллик катта байрами байрамга уланиб кетди.

Сизларни пойтахтимиз — гузал Тошкентга ташриф буюрган ва байрам қувончинини биз билан баҳам кўраётган спорт намояндаларини, чин қалбдан қўллашга ва «Диёримизга хуш келибсиз!» — деб айтишга ижозат берайсизлар.

Қўнра тарих учун беш йил шу қадар қисқа муддатки, уни баҳорда омонда чақмоқ чақнаган лаҳзага қиёслаш мумкин. Аммо шу вақт ичида биз бошқа шароитда ўнлаб йиллар талаб қилмайдиган катта йўлни босиб ўтдик, десақ асло хато бўлмайди.

Мен бир нарсасга аминман, ҳеч бир халқнинг қудрати, машқурлиги, буюклиги, халқаро обрў-эътибори ундаги тўлларнинг ёки бошқа қурол-яроғларнинг сони билан ўлчанмайди, уларни авваламбор, миллининг соғломлиги, маънавий ва моддий салоҳияти ва кучи билан ўлчамок керак.

Эту ниятли халқимизда «Тўй тўйга улансин!» — дедан сермазmun ибора бор. Мана, истиқлолимизнинг беш йиллик катта байрами байрамга уланиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

сам мулоажа бўлмайди.

Яқинда терма командамиз ўз тарихида биринчи марта Атлантадаги олимпия уйинларига иштирок этди. Спортчиларимиз у ерда қўлга киритган совринлар, уларнинг жаҳондаги энг кучли спортчилар билан беллашуларда яхши натижа кўрсатишга интилиши бизнинг имкониятларимизни юксак маънавий ва ахлоқий анъаналаримизни, спорт соҳасида ҳам жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш истагини кўрсатиб турибди. Назаримда, бунинг учун бизга барча асос бор.

(Давоми 2-бетда).

ИНДОНЕЗИЯДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ



Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги кунини арафасида Индонезияда Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби индонез тилида нашр этилди. Мамлакатларимизни минглаб километр масофа ажратиб турса-да, халқларимизни дўстлик ва тинчликка бўлган интилиши бирлаштиради.

Индонезия биринчилар қаторида Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган, жаҳон майдонинда ёш республикамизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган эди. Хусусан, Ўзбекистоннинг қўш

маълик ҳаракатига қузатувчи мақомини четлаб, тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қиринди Индонезиянинг катта ҳиссаси бор. Президентимиз Ислам Каримовнинг Индонезияга, Индонезия Президенти Суҳартоннинг Ўзбекистонга ташрифлари яхши кўнанички муносабатларга йўл очиб берди. Шундан кейин бизнесменлар ва жамоат арбобларининг беғосита алоқлари бошланди.

Хусусан, Индонезиянинг илрик компанияларидан бири — «Бакри групп» компаниясининг «Ўзбектуризм» компаниясининг дастлабки амалий шерикларидан бири бўлди. Маълумки, мазкур

компания мамлакатимизга дастлаб сармоя сарфлаб, Тошкент марказида янги меҳмонхонани соғиб олган эди. Айнак ана шу алоқлар тўғрисида томонларнинг бир-бирита қўзқизиши кўчаиб, бу қизиқ натижада Президентимиз Ислам Каримовнинг китоби индонез тилида нашр этилди. Жакартада китоб тақдимотида бағишланган тантанали маросим ҳамда мазкур тад

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДАГИ НУТКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу жиҳатдан Олимпия шухрати музейини очиб фикри ўз-ўзидан қуруқ жойда пайдо бўлган йўқ, Чунки бизда дунёнинг истаган музейида намойиш этишга арзийдиган тарихимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз ва ютуқларимиз бор.

Не-не баҳодирларнинг ёлқасини ерга тегизган афсонавий Алтомиш, забардаст Фарҳод ҳақидаги ривожу достонлар шунчаки афсона эмас, халқ руҳининг, халқ мардигининг тимсолидир. Шу йилнинг март ойида Халқаро Олимпия кўмитасининг таклифи билан Лозаннага борганимизда унинг Олимпия музейи бизда катта таассурот қолдирди. Бу бизда Тошкентда ҳам шундай музей очиб қайратини тезлаштирди.

Ушунда жаноб Самаранч билан ярим йилдан сўнг Ўзбекистон Олимпия шухрати музейини биргаликда очиб қилишга келишимиз эди. Бугун биз ана шу мақсадимизга эришдик. Осиёда биринчи ва ҳозирча ягона ана шу музейни ташкил қилишда Самаранч жа-

нобларининг хизматлари катта бўлди.

Бу музейга АКШ, Испания, Швейцария ва бошқа кўплаб хорижий давлатлардан нобэ экспонатлар олиб келинди. Бинобарин, музей нафақат Ўзбекистон спорт тарихини, балки Халқаро олимпия ҳаракати тарихини ҳам ўзида мужассамлаштирган.

Ази биродарлар!

Бугун меннинг катта бир орзуим амалга ошди. Менга Халқаро Олимпия кўмитасининг Олтин ордени топирилатганда: «Олтин ордени менки эмас, балки Ўзбекистон халқиники ва у янги очилган музейдан жой олади», деб ниҳоят қилган эдим. Энди бу ордени Олимпия шухрати музейининг доимий экспонатига айланган.

Мамлакатимиз вакиллари Олимпия йилларидаги ютуқлари ҳам музейда кўз-кўз қилишга арзийди. Ҳисобимизда 38 та, жумладан 15 та олтин, 13 та кумуш, 10 та бронза медал бор.

Руфат Рисқиев, Вера Дулонова, Рустам Қазақов, Лариса Павлова, Равиля Са-

лимова, Собир Рўзиев, Эркин Шагаев, Собир Қурбонов, Сайфилдин Ходиев каби машҳур спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ютуқлари ҳамма учун ўрнатилди.

Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши мамлакатимиз спорт тарихида янги саҳифалар очди. Олдинги ютуқларни камситмаган ҳолда кейинги 5 йилда кўп йўналишларда 70 йил ичида эришилган нанижадан кўра кўпроқ иш қилинди, деб айтиш мумкин.

Бундан 2 йил муқаддам Лиллехаммерда ажойиб фристайлчи Лена Черризова гольбикни қўлга киритиб, ilk бор Ўзбекистон мадҳияси Халқаро Олимпия майлоида янграганда, Атлантадаги Олимпия йилларида Армен Багдасаров ва Карим Тулагановлар шарафига мамлакатимиз байроғи кўтарилганда ҳар бир Ўзбекистонликнинг қалби фахр-ифтихорга ва гурурга тўлди.

Насиб бўлса, Олимпия

уйинлари олови албатта Тошкентда ёқилади. Ўзбекистон спортчилари халқ кўплаб турнирларда рақиблари томошабинларни лол қолдириб, дийримиз номини шону шухратларга чўлгайдилар.

Олимпия шухрати музейи шунчаки экспонатлар тўпламидан иборат маскан бўлибгина қолмасдан, балки у маънавият-маърифат ўчоғига, буюк Ватанга муносиб фарзандларни тарбиялаш марказига айланмоғини ва жаҳон спорт майдонларида фарзандларимизнинг юксак галабарларни тасвирлайдиган янги экспонатлар билан бой-бой боришни истар эдим.

Ешларимиз келишин, кўришин, қандай машҳур аждоқлари, замондошлари борлигини билишин, улар билан фахрланишин, гурурланишин урганишин. Ўз ўтмишини улуғлайдиган, бугунини эъзозлайдиган миллатнинг эртанги кунини ҳаммиса порлоқ бўлади.

Азиз дўстлар! Ижозатларингиз билан яна бир фахрли ва шарафли вазифани бажармоқчиман.

Хабарингиз бор, яқинда мамлакатимизда янги мўтабаб нишон — «Буюк хизматлари учун» ордени таъсис этилди.

Олимпия ҳаракатини ривожлантиришга, халқаро ўртасидаги дўстлик ва ҳамжihatликни мустақамлашга хизматлари, Ўзбекистон спортининг халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашда меҳр билан қўллаб-қувватлагани учун Халқаро Олимпия кўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч жанобларини ана шу олий мукофот — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлаш ҳақида Фармон қабул қилинди.

Ҳозир шу ордени Хуан Антонио Самаранч жанобларига топиришга руҳсат бергайсизлар.

Азиз дўстлар! Бугунги кўтлуғ кунда барчангизни Ўзбекистон истиқлоли байрами билан яна бир марта муборакбод этаман. Юрт равнақи йўлидаги ишингизда муваффақият ва сийҳат-саломатлик тилайман.

Олимпия шухрати музейини очиб эълон қиламан.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мустақиллик кунини муносабати билан Сизни ва халқингизни корей халқи номидан самимий табриклайман ва энг яхши истакларини билдираман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам мустақамлашиб, ривожланаверишига аминман.

Сизга ва халқингизга равнақ ва фаровонлик тилашга руҳсат бергайсиз.

КИМ ЕН САМ, Корея Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини муносабати билан Сиз жаноб олийларига самимий табрикларимни йўллайман. Сизга чин қалбдан бахт-саодат, мамлакатингиз халқига равнақ тилайман.

АКИХИТО, Япония Императори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Бахтли воқеа — мамлакатингизнинг мустақиллик кунини муносабати билан Сизга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва дўст халқига Покистон ҳукумати ва халқи номидан ҳамда ўз номидан зўр мамнуният билан самимий табрикларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд самимий ва дўстона муносабатлар иккала мамлакат бахт-саодати йўлида гуллаб-яшнашига аминман.

Имониятдан фойдаланиб, Сиз жаноб олийларига энг яхши истакларини билдириб, сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

ФОРУХ АХМАДХОН ЛЕГАРИ, Покистон Иқтисод Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Шу тантанали кунда — Ўзбекистон мустақиллиги кунини зўр мамнуният билан Покистон ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Имониятдан фойдаланиб, Сиз жаноб олийларига эзгу истакларимизни изҳор қилиб, сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

БЕНАЗИР БХУТТО, Покистон Иқтисод Республикаси Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Президент, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини беш йиллиги муносабати билан Сизни, Сиз орқали улуғ ўзбек халқини чин қалбимиздан табрик этамиз.

Биз, Америка Қўшма Штатларининг турли буржакларидан келган бир гуруҳ аспирант ва талабалар икки ой давомида Вашингтон университетини бағрида ўзбек тилини меҳр-муҳаббат билан ўқиб-ўргандик. Нафақат тили, балки ўзбек адабиётини, маданияти, санъати ва урф-одатларини ҳам ўргандик. Жаҳоннинг кўҳна тилларидан бўлган ўзбек тилини севиб қолдик. Ўзбек тили гўзал тил экан, ўзбек маданияти ҳам жуда чиройли, бизларга хуш ёқди, кўп шодликлар берди. Тил баҳоси йўқ бир бойликдир, ўз тилини ардоқлаган халқ эса улуғ халқдир. Биз ўрганаётган ўзбек тили ўз юртида юксак эъзозланишни эшитиб, ниҳоятда мамнун бўлдик. Ўзбек тили Амир Темур Ватанидан парвоз этиб, бутун жаҳонга

таралсин, деймиз.

Бизларни «Туркистон — умумий уйимиз», деган широр жуда хурсанд этди. Биз ўрганган ўзбек мақолларидан бири «Бирлашган ўзар», деб аталади. Чиндан ҳам бирлашган ютади. Қадим Туркистон шухратини тиклашда Сизларга омадлар тилаймиз. Дунёдаги туркийларнинг фахри бўлган Ўзбекистонга, унинг азиз халқига фаровон ҳаёт ва кўркамлик ёр бўлсин, давлатингиз гуллаб-яшнасин.

Мўтарам Президент жаноблари, Сизнинг мамлакатингизда қилган муборак ташрифингизни катта қизиқиш билан кузатиб турдик. Қўшма Штатларнинг бир неча шаҳарларида бўлдингиз. Бизлар ўқитган Сиз тл шахрига ҳам келасиз, деб умид боғлаганимиз ва кўз туганимизни айтиб ўта-миз. Сизга сийҳат-соғлиқ, бардамлик, аъло кайфият ва катта зафарлар тилаб қоламиз. Самимият ила

ИЛА СИРТАУТАС, профессор, Вашингтон Университетининг Марказий Осиё тиллари ва маданияти ёзи программаси раиси. (Мақтуба Вашингтон университетининг бир гуруҳ аспирант ва талабалари ҳам ишро қилишган).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноб олийларини табриклашимизга руҳсат этгайсиз. Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва келажиги ҳам тинч-осойишта бўлишини тилайман.

Доктор Томас КЛЕСТИЛЬ, Австрия Республикаси Федерал Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент жаноблари, Республикасингиз мустақиллигини кунининг байрам қилиниши Сизга қизгин табрикларимни йўллашга, шунингдек, чин қалбимдан сийҳат-саломатлик, фаровонлик тилашимизга имконият яратганидан мамнунман.

Сизга зўр ҳурмат билан, Генерал Лансана КОНТЭ, Гвинея Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллигининг беш йиллиги кунини муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати номидан, шахсан ўз номидан Сизни табриклаш ва кутлаш менга мамнуният бахш этди. Сизга бахт-саодат, мамлакатингизнинг қардош халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Зайд Бин Султон ОА НАХАЙИАН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Сиз жаноб олийларини самимий табриклашимиз мамнунман. Сизга мустақам сийҳат-саломатлик, мамлакатингиз қардош халқига равнақ тилайман.

Мақтум Бин Рашид ОА МАҚТУМ, Бирлашган Араб Амирликлари вице-Президенти ва Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингиз мустақил деб эълон қилинган кунинг беш йиллиги муносабати билан Сиз жаноб олийларини самимий табриклашимиз мамнунман. Сизга мустақам саломатлик, мамлакатингиз халқига фаровонлик тилайман.

Султон Бин Зайд ОА НАХАЙИАН, Бирлашган Араб Амирликлар Бош вазирининг ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари! Республикасингиз мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Сизни самимий табриклаймиз ва Сизга, оилангизга, ҳодим-ларингизга ҳамда мамлакатингизга эзгу истакларимизни айтиб, ёрқин келажак тилаймиз.

Доктор ВАЙС, «Сименс» фирмасининг бош директори.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕНИС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу гап спортнинг ажойиб тури бўлган, инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий қалогига кўмаклашадиган катта теннисга ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир.

Бир пайлар муайян кишиларга шу туғулган бу спорт тури бугунги кунда мамлакатимизда энг машҳур ва оммавий спорт турларидан бирига айланган. Тошкент, Андижон ва Фарғонада ҳашаматли теннис саройлари қурилди ва улар фаол равишда ишлаб турибди. Республиканинг бошқа вилоятларида ва туман марказларида, ҳамма жойда халқаро андозларга мос келадиган теннис кортлари қурилмақда. Тез орада олимпиячиларимиз ҳам теннис топукчалари овози эшитила бошлашига ишончим комил.

Илгари ҳам айтилганидек, Ўзбекистонда фақат теннис ракеткалари «отилаверсин». Бу ажойиб ўйин минглаб, миллионлаб кишиларга қувонч бағишлайверсин.

Имониятдан фойдаланиб, барчангизга — ушбу мусобақанинг ҳамма иштирокчиларига, энг аввало бизнинг ёш, аммо аллақачон халқаро нуфузга эга бўлган турларда қатнашиши анъанага айланган теннисчиларга спортнинг теннис каби чиройли, ёшлар ҳам, қариялар ҳам ўйнай оладиган

турини Ўзбекистонда омма-лаштириш ва ривожлантириш борасида қилаётган ишларингиз учун самимий миннатдорлик билан раҳматимиз.

Мен бу кубок ташкилотчиларини, аввало дўстимиз, хормас-толмас Сассон Кахшпурнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман. У бундай миқёсдаги мусобақаларни ташкил этишга ўз нобэ истеъдодини яна бир бор намойиш этди. Азиз мусобақа ташкилотчилари, бу турнирда пухта тайёрларлик кўргангизиз учун миннатдорлигимни қабул қилгайсиз.

Халқаро Олимпия кўмитаси президенти, бизнинг дўстимиз жаноб Хуан Антонио Самаранчга маъзур мусобақа очилишида иштирок этаётганлиги ва бу билан мусобақатга ўзига хос нуфуз бағишлагани учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Хурматли мусобақа иштирокчилари! Маҳоратингиз даражасида чиройли ўйин кўрсатишларингизни тилашга руҳсат этгайсиз. Барчангизга омад ва томошабинлар мадади ёр бўлсин!

Меҳмондўст, серқуёш Ўзбекистонда кечирган кунларингиз барчангиз учун байрамга айлансин! Президент кубоги учун анъанавий халқаро мусобақани очиб эълон қиламан!

ИНДОНЕЗИЯДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир муносабати билан ўтказилган қабул маросимида давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар ҳамда кўплаб журналистлар иштирок этди. Залда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен раҳбарлигидаги давлатимиз делегацияси ҳозир бўлди. Делегация шу кунларда ўтказилган «Ўзбекистонда бизнес қилиш» деб номланган дастлабки бизнес-семинарда иштирок этаётган эди.

«Бақри групп» компанияси раҳбари жаноб Абдуризал Бақри тақдирот маросимида сўзга чиқиб, Ислам Каримов китобининг индонез тилида нашр этилишидан кузатишга асосий мақсад индонезияликларни бу гўзал мамлакат, унинг жаҳондаги йирик сийҳатчилардан бири бўлиши етакчилиги билан таништириш эканини таъкидлади.

Ўзбекистон тараққийнинг ўзига-хос ва ўзига мос йўлни танлаб олди ҳамда бу — мамлакатнинг инқироздан чиқишига ҳамда барқарорлик ва аста-секинлик билан иқтисодий ўсишга эришишига омад бўлиб хизмат қилди, деб таъкидлади А. Бақри. Бу китоб иштирокчиларга сармоя ёқизишда тўғри йўл танашида ёрдам беради, чунки Ўзбекистон — энг ишончли шерик бўлиб, хорижий сармоядорлар учун мақбул шарт-шароит яратилган мамлакатдир.

Жаноб А. Бақри В. Чженга Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» китобининг ёлғорлик нуҳасини тақдим этди. В. Чжен жаоб нутқида кўрсатилган эътибор учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда амалга оширилатган

ислохотлар, ўзбек давлатчилигининг оёққа туришида мамлакатимиз етакчиси Ислам Каримовнинг тутан ўрни ҳақида гапириб берди. Тарихнинг мана шундай мураккаб даврида давлат бошида Ислам Каримов тургани, эҳтимолки, ҳаммамизнинг бахтли тақдиримиздан дарак берад, деб таъкидлади В. Чжен. Индонезияликларнинг мамлакатимизга бундай қизиқин билан қараш — тараққийнинг Ўзбекистон моделига бўлган эҳтиром ҳамда унинг эътирофи этилиши билан дипломатик. Ўзбекистон Президентининг китоби биз танлаб олган йўлни яхшироқ англаб олишга ёрдам беради, ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Қарийб 200 миллион аҳолига ҳамда нобэ таъбиби ресурсларга эга бўлган Индонезия билан табиати гонг саҳий Ўзбекистон узаро фойдали ҳамкорлик, капиталлари узаро жалб қилиш бўйича нобэ салоҳиятга эга. Ўзбекистоннинг муҳим мақамалари раҳбарлари ҳамда иштирокчилардан иборат катта делегациясининг бу ерда ҳозир бўлиши ҳам Президентимизнинг ислохотга оид гояларининг амалий тарзда юзга чиқётганидан далолат беради.

Китоб тақдироти маросими концерт дастури билан яқунланди.

Маросимда ташқи иқтисодий алоқалар вазири Т. Раҳимов, «Ўзбекистун» миллий компанияси раиси Б. Хусанбоев, Ўзбекистон Президенти девонининг маъсул ходими М. Қодиров, Ўзбекистон ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилди:

1. Шаҳар йўловчилар транспортидан (фойдаланиш шартлари) бепул фойдаланиш ҳуқуқи фақат:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари жумласидан бўлиш ҳарбий хизматчилар;

1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва урушнинг I гуруҳ ноғиронига ҳамроҳлик қилувчи шахсе;

1941-1945 йиллардаги уруш даврида фронт ортида фидокорона меҳнати ва бешуёқ ҳарбий хизмати учун ордени ва медаллар билан тақдирланган шахслар;

2. Қўйидаги қонун ҳужжатлари уз кучини йўқотган деб

қатланнинг ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда қатнашган собиқ байналмилалчи жангчилар жумласидан бўлиш

фасқаролар; ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни уэтаётган ҳарбий хизматчилар, етаршиналар, прапоршчиклар, катта прапоршчиклар, мишманлар ва катта мишманлар;

Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нуруланш касаллигига чалинган ва улар бошдан кечирган шахслар;

қузи оқиб ноғиронлар ва қузи оқиб ноғиронга ҳамроҳлик қилувчи шахсе учун сақлаб қолинсин.

3. Қўйидаги қонун ҳужжатлари уз кучини йўқотган деб

ҳисоблансин:

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N1, 29-модда) 52-моддаси туртинчи қисмининг;

1993 йил 7 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган «Соғлом авлод учун» ордени тўғрисидаги Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, N 6, 257-модда) 4-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисининг;

1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, N 5, 113-модда) 6-моддаси иккинчи қисмининг;

1995 йил 24 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутатлари фаолиятининг таъминоти тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 6, 114-модда) 27-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларининг;

шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишга доир қисмлари.

3. Ушбу Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

ротномаси, 1995 йил, N 4, 30-модда) 9-моддаси биринчи қисмининг;

1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг фаолиятининг таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, N 6, 114-модда) 27-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларининг;

шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишга доир қисмлари.

3. Ушбу Қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.



Тошкент шаҳри, 1996 йил 30 август.

МИЛЛИЙ ОЛИМПИА КЎМИТАСИДА УЧРАШУВ

1 сентябрь кунини Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитасида Халқаро Олимпия кўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч билан Ўзбекистон Миллий Олимпия кўмитаси президенти ҳамда спорт федерациялари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Х. Самаранч Халқаро Олимпия кўмитасининг дунёда спортни ривожлантириш

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА ЗҲР ШОДИЁНАЛАР БИЛАН НИШОНЛАНДИ



ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1 сентябрь куни азим Тошкентнинг барча аҳолиси ва меҳмонлари байрамона кайфият билан тунгни қарши олди. Мустақиллик майдони, Амир Темури хиббони, Сайлоқ кўчаси, Халқлар дўстлиги, Хадра, Алишер Навоий номи театр санъаткорлари, сўз усталарининг машҳур санъаткорлари, сўз усталарининг концерт ва томошалари кечгача давом этди. Шу кунни жойларда савдо ва умумий оқатланиш шаҳобчаларининг ходимлари тошкентликлар ва меҳмонларга беминнат хизмат кўрсатишди. Байрамга спорт мусобақалари, халқ ўйинлари янада фойдаланишди.

Биз Самарқанднинг Пастларгом туманидан байрам тантаналарини томоша қилиш учун атайин келганимиз, — дейди Сабоҳат Умарова. — Одамлардаги хотиржамлик, оёйсизгалик, савдо дўконлари ва ошхоналарнинг хизмати яхши ташкил этилганлиги, севган хонандаларимизнинг очик майдонларда ҳормай-толмай халққа хизмат қилаётганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди, хурсандчилигимизга хурсандчилик қўшилди. Мустақиллик бизга шундай ажойиб кунларни, озодинки берган экан давлатимиз раҳбарларидан ниҳоятда миннатдорман...

Шунингдек, жойларда турли миллат вакиллари ўз халқлари мансуб қўшиқ ва рақслари томошалари ҳам намойиш этилдики, бундан овоз мамлакатимизда барча миллат тенг ва узаро дўстона, иноқ бўлиб яшаб, меҳнат қилаётганини аниқлаш мумкин. Шу кунни қайси миллатга мансуб бўлмасин, одамларнинг ҳечасида, руҳиятида байрамона кўтаринкиликни кўришди.

Кечқурун соат 21.00 да Мустақиллик майдони узра байрам мушакбоилиги халқ сайлига чиққан ўн минглаб одамларга унутмас ҳаяжон бағишланди.

Байрам тантаналари пойтахтимизнинг ҳар бир тумани, маҳалласида ҳам зўр кўтаринкилик билан нишонланди.

Х. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллигини бутун қорақалпоғистонликлар зўр шодияна билан қутиб олдилар. Байрам арафасида Қорақалпоғистоннинг турли жойларида мустақиллик объектлари фойдаланишга топширилди. Хуусан, умар орасида Нукус спирт заводи, темирўлчиликнинг 360 ўринли касалхона, Тўртқўл шаҳрида тиббиёт билимгоҳининг янги ўқув корпуси, шунингдек, бозорчалар, янги савдо расталари ва бошқа кўплаб иншоотлар бор.

Мустақиллик кунини эрта соат 10 да Нукус шаҳрининг марказий майдонига йирилганлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўржи Кенеси раиси У. Аширбеков ва республика ҳукумати бошлиқлари ҳамда уруш ва меҳнат фахрийлари муборакбод этдилар. Мустақиллик байрамининг театрлаштирилган дастурини Қорақалпоғистоннинг машҳур санъат усталари, шоир ва ёзувчилари, бастакор ва санъаткорлар, спортчилар иштирок этишди. Шаҳарнинг турли жойларида ҳар хил хайрия ва кўнгличлар тадбирлар ташкил қилинди. Республиканинг кўчалари ва корхоналарида ҳам байрам дастурхонлари ёзилиб халққа ош тортилди.

Х. АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН



Байрам тантаналари андижонликлар қалбига ҳам бир олам қувонч ва ифтихор туйғуларини бахш этди. Кенг ва раво кўчалар, бағри гулларга тўлган хиббонлар, сайлоқлар ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Вилоят меҳнатқашлари республика мустақиллигининг беш йиллиги байрамини ёруғ юз билан нишонладилар. Ғаллакорлар, пиллакорлар, эришган ютуқлар бутун мамлакатни қувонтирмоқда. Асакада иш бошлаган «УДЭУант» қўшма корхонаси ўзининг «Дамас», «Тико», «Нексис» каби автомобиллари билан шўхрат қозонаётир. Жойларда «Аттекс» тўқимачилик мажмуига кирувчи кўплаб корхоналарнинг бинолари қад ростлаётир. Байрам арафасида эса Асака шаҳрида кунга 24 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Италия — Ўзбекистон қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади.

Вилоят полициялари ва сабаботкорла-

ри байрам муносабати билан Андижон шаҳрида ташкил этилган савдо кўргазмасига она-ер инъоми — энг сарҳил ноз-неъматларни олиб келдилар. Бобур номи билан аталувчи бош майдонда мустақиллик кунига бағишланган театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтди. Турли хил спорт мусобақалари, болалар учун аттракционлар, халқ ўйинлари уюштирилди. Байрам тантаналари вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кеч оқшомгача давом этди.

Одильжон ШОДИМОНАЛИЕВ, жамоатчи мухбир.

БУХОРО



Бухороликлар мустақиллик тунгини карнай-сурнай салолари билан қутиб олдилар. Ориққиб қутилган — мустақиллик кунини дилларга шодлик, ҳуррамлик олиб келди. Вилоят марказидаги Ибн Сино майдони ҳамда Самонийлар боғида туманларнинг савдо ярмаркалари уюштирилди. Деҳқончилик ва саноат маҳсулотлари энг арзон нархларда сотилди. Бундан ташқари ярмарка ва шаҳарнинг энг гавжум марказларида вилоятдаги машҳур санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янгради.

Мустақиллик байрами — байрамларнинг гултоғидир. Юртдошларимиз уч ажойиб санани нишонламоқдалар. Узларнинг беш истиқлолимизнинг беш йиллик юбилейи бўлса, иккинчиси Ромитан тумани ташкил этилганлигининг 70 йиллиги, Газли шаҳрининг 40 йиллик тантаналаридир.

Вилоят марказий уйингоҳида турли спорт мусобақалари бўлди. Шифирконда эса мустақилликнинг 5 йиллиги ва маҳаллий бокс ташкилотчиси Аҳмад Худойбердиев таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб катта турнир ўтказилди. Мусобақада Андижон, қўшни Чоржўй, Бухоро, Ғиждувон, Когон шаҳарларидан етук боксчилар қатнашдилар. Йирилганлар катта спорт мусобақасини роҳатланиб томоша қилишди.

Бухоро туманида эса янги объектлар фойдаланишга топширилди. Шаҳримиз истироҳат боғида 5000 кишилик очик миллий уйингоҳ қуриб битказилди. Шунингдек, эрта тонгда «Мустақиллик савдо ва маъийи хизмат кўрсатиш маркази» ҳамда Амир Темури бости ўрнатилган хиббоннинг очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Шу кунни вилоятнинг барча туманларида ногирон ва кам таъминланган оилалар ҳолидан ҳабар олindi. Олот туманида худди шундай оилаларнинг 32 нафар фарзанди номга 100 сўмдан пул қўйиб, жамғарма лавтарчалари очилди. Улар 18 ешта тўлганда 102 минг 400 сўм маблағга эга бўладилар. Бухороликлар мустақиллигимиз 5 йиллик юбилейини ана шундай тантаналар ва хайри ишлар билан қутиб олдилар.

М. ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ

Мустақиллик йилларида Жиззах вилотида бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Буларнинг барчаси воҳода амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг натижаси, албатта.

Жумладан, 5 йил мобайнида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 49,4 фоиздан 75 фоизга, қишлоқларни газлаштириш 4,7 фоизга ўсди. 1991 йилда 40 турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 100 турдан ошди.

Аҳоли жон бошига дон, гўшт, сабазюв ва полиз маҳсулотлари етиштириш бўйича Жиззах вилоти республикада биринчи ўринда, сут, тухум, картошка етиштиришда эса етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Воҳа меҳнатқашлари шонли мустақиллигимизнинг беш йиллигини ана шу рақамларда ифода қилишди.

санъат усталари иштирокидаги концерт дастурларини кўриб завққа тулдилар.

Бир сўз билан айтганда, Мустақиллик Жиззахда ҳақиқий халқ байрамига айланди.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН

Вилоятда республикаимиз мустақиллигининг беш йиллик тўин катта тантанасига айланган кетди. Бу йил ҳам байрам муносабати билан 70 дан ортик маҳаллий-маъийиш ва ишлаб чиқариш иншоотлари фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг чекка қишлоқларида бири — Поп туманидаги «Кўштепа» жамоа ҳўжалигининг Найман қишлоғига табиғий газ етиб борагани, Наманган шаҳри марказида қарийб 2,5 тектар майдонда Амир Темури номидаги хиббон, «Чор-Сў» деҳқон бозори, Чуст туманидаги автовокзал комплекси каби иншоотлар шулар жумласидандир.

Наманганда байрам шодияналари ана шу мустақиллик иншоотларини фойдаланишга топшириш билан бошланди. Шундан сўнг вилоят бўйлаб шодияналар бошланди кетди.

Вилоят халқи бу йил ҳам байрамни кўтаринки руҳда қутиб олди. Бу бежиз эмас, негаки вилоятда қисқа муддатда жуда катта ўзгаришларга, ютуқларга эришилди. Умуман барча соҳада эришилган ютуқлар байрамга бағишланган тантанали ийгилишда сарҳисоб қилинди.

Эришилган муваффақиятлар салмоғи эса йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Буни биргина вилоятнинг ўзида 60 дан ортик қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани мисолига яққол қўриш мумкин. Шунингдек, байрам арафасида Ўрта Осиёда ягона бўлган Турақўрғон гутуғур фабрикаси ишга тушди.

Наманганликлар бу ютуқлар истиқлол меvasи эканлигидан фахрланишди.

А.МАДАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВОЙЙ



Ориққиб қутилган онлар келди. Навоий шаҳрининг шўх кўчалари — Навоий, Халқлар Дўстлиги, Тинчлик кўчалари байрамга либос кийган, байрам кайфиятидаги одамларга тула, чор тарафдан карнай-сурнай навалари келди. Йил четларида савдо расталари ташкил этилган, дастурхонлар ёзилган. Турли туманлардан келган санъаткорлар ижросида ўзбекча, русча, қозоқча, тожикча куй-қўшиқ янгради. Мана шу кунни навоийликлар республикаимизнинг барча аҳли каби ориққиб қутган эдилар.

Навоийликлар мустақиллигимизнинг беш йиллигини меҳнатда алоҳида соғвлар билан қарши олдилар. Навоий шаҳрида цемент заводи ва Испаниянинг «Невока» фирмаси ҳамкорлигида ишга туширилган қўшма корхона бунга яққол далилдир. Ёки шаҳарнинг 10-микрорайонидида тўққиз қаватли уйнинг фойдаланишга топширилгани ўнлаб оилаларга янада қувонч қўнганлигини айтмайсизми? НМЗ ишлаб чиқариш бирлашмасидаги миллий таомлар ошхонаси ҳам қувончларининг байрам тўқфаси бўлди.

Байрам кунини Навбахор туманидаги «Учтўт» жамоа ҳўжалиги болаларининг қувончи чексиз эди. Туманининг 3-механизацияшлаган қўшма колоннаси қувончлари учтуғлик болаларга 620 ўринли янги мактаб биносини фойдаланишга топширдилар.

Шунингдек, вилоятнинг Нурота, Кошимек, Қизилтепа туманларида ҳам мактаб, лицейлар очилиб, болалар қувончига қувонч қўшди.

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида, маҳалла ва қишлоқларида 1 сентябрь кунини эрта тонгда оқ кўтаринкилик намойиш бўлди. Кўплаб савдо ярмаркалари ташкил қилинди.

Туманлардан Самарқанд шаҳрида юзлаб тонна меса-сабазюв савдоси уюштирилиб шаҳарликлар сарҳил мева-чевалар билан

янада тўқин бўлди. Корхона ва муассасалар ҳўжалик ва ташкилотлар ўз жамоалари, қишлоқдошлари ва маҳалладошларини дастурхонларига таклиф этди. Меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга савоатлиша жамоаларнинг совға-саломлари улашилди.

Эрта тонгда ҳар бир кўча ва маҳалладан бошланган байрам тантаналари кечқурун қадим Самарқанднинг юрғи бўлиши Регистон майдонига кўчди. Санъаткорларнинг театрлаштирилган байрам дастури, ҳушвоз хонандаларнинг куй ва қўшиқлари улғ айём тароватига янада кўтаринкилик бахш этди.

— Бу шодияналардан ўтини ажодларимиз руҳи шод бўлаётгандек туюлади кишига, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Шодиқул ота Назаров. — Осмонга қаранг, қадим Самарқанд кечмишининг тўғохи бўлган юлдузлар бизнинг шодлигимизга шерик бўлиб турибди назаримда...

Т. ДОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ



Мустақиллик байрамидан бир ҳафта илгари Сурхондарёда «Афғон» шамолли бошланди. Аммо, шанба, яқинба кунлари шу даражада яхши кун бўлдики, у одамларнинг байрам кайфиятига жуда мос келарди. Зотан, сурхондарёликлар Мустақиллик байрами тантаналарини жума кунини бошлаб юборгандилар. Барча меҳнат жамоаларида катта дастурхонлар ёзилиб, элга ош тортилди.

Яқинба кунни эса барча туман марказларида мустақиллик байрами тантаналари нишонланди.

Умуман олганда, мустақилликнинг беш йиллиги сурхондарёликлар учун баракали келмоқда. Вилоят ғаллакорлари яхши натижаларга эришдилар. Пишиққиликнинг қурагини кўринки, қовун-тарвуз бозорларга сиймай кўчаларга чиқиб кетди.

Президентимиз ҳиммати билан тоғ тепа-тепа жойлашган Бойсун шаҳрида бу йил табиғий газ ёзд. Чунки бурноғи йили Ислоҳ Каримов Сурхондарёга келганда бойсунликларга ваъда берган эдилар.

Энг муҳими, Сурхондарёдан биринчи қаҳрамон чиқди. Деновлик машҳур раис Иброҳим Файзуллаевнинг бу юксак унвонини бутун Сурхондарё байрам қилмоқда.

Шунинг учун ҳам, мустақилликнинг беш йиллиги нишонланган кунлари Сурхондарёнинг ҳатто осмони ҳам ёришиб кетгандек бўлди.

Т. РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» мухбири.

СИРДАРЁ

Ўзгал Ўзбекистонимизнинг барча жойида бўлгани каби истиқлолимизнинг беш йиллик тантаналари Сирдарё вилотида ҳам зўр шодияналик билан нишонланди. Уша кунни Гулистон шаҳри янаба-йшариб кетди. Эрта тондан шаҳарликлар марказий уйингоҳга оқиб кела бошлашди. Тантанали даҳазлар бошланди.

Шундан сўнг уйингоҳда Олим Ҳўжаев номи вилоят мусикали ва драма театрининг санъаткорлари, туманлардан ташриф буорган бадий ҳаваскорлик ансамбллари иштирокчилари катта дастурда концерт намойиш этдилар. Стадионга йирилганлар кураш, дорбозлик томошаларини мириқиб кўрдилар.

Шунингдек, байрам тантаналари Янгиер, Сирдарё, Ширин, Бахт ва қатор туман марказларида кенг нишонланди. 1 сентябрь том маънода сирдарёликлар учун энг қувонч, энг азиз байрамга айланиб қолди. Чунки бу байрам ҳар биримизнинг кўнглимиздаги эзгуликни, юртга муҳаббатни, бугунги ва эртанги кунга бўлган ишонччи ўзда мужассамлаштирган.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг беш йиллик байрами тантаналари Тошкент вилотида 15 туман, 7 та шаҳрида, умуман барча маҳалла ва қишлоқларида зўр кўтаринкилик билан нишонланди.

Пойтахт вилоят меҳнатқашлари ўшуб байрамда полиз ва сабазюв, узум каби деҳқончилик маҳсулотларидан юзлаб тон-

насини Тошкент шаҳри аҳолиси дастурхонига тортиқ этдилар.

Карнай-сурнай салоларига кўп миллатли Бекобод, Чирчиқ, Ангрон каби шаҳарларда рус гармони, қозоқ дўмбраси жўр бўлди. Шу кунни вилоят санъаткорлари, савдо ходимлари ҳормай-толмай эл кизматыда бўлишди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ишлаб чиқариш жамоалари ногиронларга, кам таъминланган оилаларга байрам совғалари топширдилар.

Мустақиллик байрами тантаналарида кўп миллатли Тошкент вилотида халқлар дўстлиги меҳр-муруват устунлиги яна бир қарра намойиш бўлди.

Т. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ



Байрам арафасида вилоятнинг барча шаҳари қишлоқлари, маҳаллалари, кўчалари, хиббонлари, майдонлари ўзгача тароват ва гўзаллик касб этди. Кўтаринки руҳда ўтган тантаналар шодияналик истиқлолимизнинг дастлабки беш йиллиги раъий сарҳисобига айланди, десак хато қилмаймиз.

Республикаимиз меҳнат аҳли қатори хоразмликлар ҳам улғ айёмни ёруғ юз, муносиб ютуқлар билан қутиб олдилар. Байрам арафасида жами 2,5 минг ўқувчиға мўлжалланган 6 та мактаб биноси, қатор тиббиёт ва ҳордиқ масканлари, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 10 дан зиёд замонавий саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Жойларда кўпгина хайрия тадбирлари амалга оширилди.

Халқимиз тақдирини мамлакатимиз тараққиётида мустақилликнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти беқисс. Шу боисдан ҳам воҳода улғ айёмга пухта ҳозирлик қўрилди, турли хил кўнгличлар томошалар, савдо кўргазмалари ташкил этилди.

Байрамнинг асосий тантаналари, оладатидек, вилоят марказида бошланди. Бош майдонда уюштирилган қизқарли, раиғ-баранг дастурларини мингларча урғаччиликлар ва шаҳар меҳмонлари мароқ билан томоша қилдилар.

Отағий номидаги вилоят театри, К. Отанидов номи филармонияси, ал-Хоразмий номидаги Хоразм давлат университети бадий ҳаваскорлик дастаси, вилоят кўйроқ театри санъаткорлари, халқ истеъмоллари, спортчилар, дорбоз ва масҳарабозлар ўз маҳоратларини намойиш этиб, байрамга алоҳида фойз киритдилар. Шу кунни шаҳардаги бошқа майдон ва хиббонлар, уйингоҳ ва томошагоҳлар ҳам ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Халқ сайиллари уюштирилди. Бир сўз билан айтганда, вилоят меҳнатқашлари мустақиллик кунини зўр қувонч, фахр ва ифтихор туйғулари билан қутиб олиб, она-Ватанга, истиқлол гоъяларига садоқатларини намойиш этдилар.

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФАРҒОНА



Фарғоналиклар қутлуг байрам — истиқлолимизнинг беш йиллигини катта кўтаринкилик, шоду ҳуррамлик билан нишонладилар. Байрам тантаналари кириб бормаган бирорта маҳалла, қишлоқ, онул қолмади, десак муболага бўлмайди.

Бу йил байрам тантаналари биринчи марта Фарғона шаҳрининг бош майдонини — Мустақиллик майдонига нишонланди. Муборак айём анчадан бери бўш турган майдоннинг қиёфасини бутунлиги ўзгартириб юборди. Икки минг томошабин сингадган майдон халқ меъморчилиги айналарини асосида юксак дид билан таъмирланди.

Байрам оқшоми нафақат шаҳарликлар, балки бутун аҳли Фарғона шу майдонга

қўчиб келди. Шундан сўнг вилоят бадий жамоалари эл назари тушган таниқли санъаткорлар, халқ талантлари, маҳаллий спорт усталаридан иборат сахналаштирилган бадий-музикаий композицияни намойиш этишди.

Тўпланганлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Юсупов томонидан сахналаштирилган икки оватлик катта дастурни зўр иштиёқ билан томоша қилдилар. Композицияда ўзоқ ўтмишдан бугунги порлоқ кунгача бўлган йиллар, даврлар, воқеалар ўз ифодасини топган. Томошабинларга айниқса, «Ўзбекистон 5 йилда» деб номланган қисм катта таассурот қолдириди. Ҳақиқатан ҳам 5 йилда асрга татигулик ишлар амалга оширилди. Фақат шу йилнинг ўзида истиқлол тантаналаригагина 110 дан ортик объект фойдаланишга топширилди. Шундан 4158 ўринли мактаб, Кўқон шаҳридаги кўз касалликлари клиникаси, Боғод ва Марказий Фарғонадаги шифохона, темир йўлчиларнинг Чимёндаги 180 ўринли санаторияси, Қувасойдаги меъморий ойна таъмирлайдиган корхона, Бешарик туманидаги 5 минг ўринли стадион ва бошқа объектларга фарғоналиклар меҳр ва ифтихор билан юбилей объектлари деб ном берилди.

Фарғоналикларни байрам тантаналаридаги иштиёқ, интилиши эртанги кунга ишонч, юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқидаги «Халқимиз ва давлатимиз ҳаётидаги бу тарихий саналар — Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир кишини бефарқ қолдирмайди», деган сўзлари нақадар ҳаётини эканлигидан дарак берди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ



Истиқлолимизнинг беш йиллик байрами буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи арафасида бўлиб ўтаётганини Қашқадарё вилоти меҳнатқашларининг қувончига қувонч қўшди.

Вилоят маркази — Қарши шаҳрининг Мустақиллик майдонига катта тантаналар бўлиб ўтди. Бу ерда меҳнатқашларнинг кўпминг кишилик мингити бўлди. Тантаналарни келажик буюк мамлакатнинг жажжи фарзандлари бошлаб беришди. Вилоятда янаба — меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларнинг бирлиги қонқариндошлиги ва дўстлигини намойиш қилиб, мустақил Ўзбекистон, унинг келажиги учун жонбозлик кўрсатажакларини изҳор этдилар.

Санъаткорлар театрлашган томошалар кўсатдилар, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, қадриятларимизнинг қайтиши ўз ифодасини топган кўринишлар намойиш этилди. Мактаблар, ўқув юртларининг ўқувчилари ёш ижрочиларнинг чқиқилари тўпланганларда катта таассуротлар қолдириди.

Бош майдонда ҳунармандлар, кичик ва кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган халқ истеъмолчи моллари кўргазмаси уюштирилди. Тантаналар якунида кўргазмада намойиш этилган буюмлар байрам иштирокчиларига арзон нархларда сотилди.

Байрам иштирокчилари қовун сайли, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ширинлик танловларини томоша қилишди. Ғолибларга қимматбаҳо соврилар берилди.

Куннинг иккинчи ярмида байрам тантаналари истироҳат боғлари, кўча ва хиббонларга, уйингоҳларга кўчди. Истироҳат боғларида турли кўргазмалар, танловлар уюштирилди. Халқ бахшилари, ижрочи ёшлар, номдор санъаткорларнинг чиқилари бўлиб ўтди. Маҳаллий ҳуқомларнинг асарлари томошабинлар ҳуқомат ҳавола этилди. Пазандлик, шакарпазлик бўйича ҳам кўргазма ва танловлар ўтказилди. Маҳалла ва қишлоқларда элга ош тортилди.

Вилоят марказининг бош майдонидида бахт ва эркинлик раъми Ҳумо қушининг улкан ҳайкали қанот қоқиб, барчага мустақиллик руҳини сингдиргандек бўлди.

Пўлат ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби

ТОШКЕНТДА ОЧИЛГАН «ОЛИМПИА ШОН-ШУХРАТИ» МУЗЕЙИ ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ

Кейинги икки йилда Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч юртимизга учинчи марта ташриф буюрди. Албатта, бу ташрифлар бежизга бўлаётгани йўқ. Мамлакатимизда халқаро олимпия ҳаракатининг кенг қулоқ ёйиши учун қисқа даврда жуда катта ишлар амалга оширилди ва бу ишлар давом эттириляпти. Барча соҳалардаги каби спортимизда ҳам юксалиш сари улкан бурилишлар ясалди.

Буни ХОҚ президенти Хуан Антонио Самаранч республика Миллий Олимпия кўмитасида кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳам эътироф этар экан, ўзининг диёримизга қилаётган тез-тез сафарини: «Қайсики мамлакатда спорт гуркираб яшнар экан, қайсики юрда олимпия ҳаракатининг энг мақсадлари ижобат бўлиб, ҳаётга тобора кенг миқёсда талбиқ этилар экан мен уша мамлакатда доим хайрихоҳман ва ташриф буюришдан эринмайман ҳамда ўзимни бахтиёр ҳис этаман,» дея изоҳлаб, юртимизда спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар жаҳоннинг энг ийрик спорт ташкилотининг эътирофи бўлиши билан танишганимизни айтиш мумкин.

Мен Президент Исом Каримовнинг Олтин Олимпия орденини ўз халқининг меҳнатига берилган мукофот сифатида қабул қилиб, уни Тошкентда очилган «Олимпия шон-шухрати» музейи Исом Каримов билан бирга айланганамизда Лозанна ва Тошкент Олимпия музейлари ўртасида шартнома тузиш маънасида муҳокама қилдик ва ўйлашганимиз, у имзоланди.

Матбуот конференциясида Хуан Антонио Самаранч, шунингдек Халқаро Олимпия ҳаракатининг бугунги кундаги режалари ҳақида ахборот берди. Жумладан, Олимпияда олдидан истеъодли ва умидли спортчилардан 17 нафарни совриндор бўлганлигини таъкидлаб, бундан буён ХОҚ стилени билан таъминланувчилар сафини янада кенгайтириш ва тизимлаштириш режалаштирилганини айтди. Фурсатдан фойдаланиб, ХОҚ президенти муштарийларимизни қизиқтирган бир


ХУАН АНТОНИО САМАРАНЧ билан сўхбат

1920 йил 17 июлда Испаниянинг Барселона шаҳрида туғилган. Барселонада Олий бизнес институтида тахсил олган. Испан, француз, инглиз тилларини билади, немис ва рус тилларидан бирмунча сўзлана олади. У иқтисод фанлари профессори, Барселонадаги бир қатор спортни бошқарувчи бахслар раҳбарлиги аъзоси, Барселона депутатисини раис, жисмоний тарбия ва спорт бўйича миллий делегат, Барселона депутатлик корпуси президенти, Испаниянинг совет ЦСРР ва Монголиядagi элчис бўлган.

Спорт олимпиада фаолияти: турин йилларида Испания Олимпия кўмитаси президенти, «Уртадеиния ўйинлари» халқаро кўмитаси вице-президенти, Испания кўнрақ спорт федерацияси президенти ва вице-президенти. 1956 йилда Мельбурн ва Стокгольмда, 1960 йил Римда, 1964 йилда Токиода ўтказилган олимпиада ўйинларида Испания олимпия делегацияси раҳбарлиги қилган.

1966 йилдан Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОҚ) аъзоси. 1968-1975 ва 1979-1980 йилларида Халқаро Олимпия кўмитаси президенти бўлган.

Утган йили «Юнусобод» теннис мажмуи билан танишдим. Жаҳон андозларига мос келадиган мўжаз ва шинам, ажойиб спорт маскани. Кеча «Пахтакор» стадионига яна бир марта бориб, у ерда амалга оширилган майдонни алмаштириш, янги майса қўқариш ишлари билан танишдим. Албатта, юқорида таъкидлаганимек стадионларни янгиланган борасида юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилиши. Шунга қарамай, Олимпияда ўйинларини қабул қилиш учун мамлакатимизда яна қўлаб ишлар



Испаниялик теннисчи Фелекс Мантиллар ракетка усталари орасига қўтилмаганда тез шиддат билан кириб келдики, ҳатто жаҳон матбуоти аҳли ПТА рейтинг рўйхатида кун сайин юқори поғонага кўтарилаётган бу теннисчининг сурагини танибмай, анча шошиб қолди.

«Газетамиз муштарийлари сизни республикамизнинг янги тасвир этилган юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденининг биринчи соҳиби бўлганлигини билан қутлаган ҳолда, оилавий аҳволингиз билан қизиқишга, хусусан, ўғлингиз Хуан Антонио ва қизингиз Мария Тереза қандай касбни эгаллашган, қайси спорт турлари билан шуғулланишадиган?»

«Ўғлимнинг ҳам, қизимнинг ҳам уч нафардан фарзанди бор. Ўғлим Мадридда яшайди. Бешқураш бўйича Халқаро жамият аъзоси, шу спорт тури билан шуғулланади. Қизим Барселонада яшайди. Спортга жуда қизиққан. У Барселонада ўтказилган Олимпияда ўйинларида Австралия спортчиларига ҳомийлик қилди ва шу Олимпияда бу мамлакатнинг байроқдорлари сафида парадан ўтди. Менинг оилавий ҳаётим билан қизиққан ва умуман, газетангизнинг барча муштарийларига соғлиқ, спортнинг келиши завқ-шаҳводини тилайман.

«Авалги сафар руждани қандай?» — Аввалги сафаримда кўхна Самарқанд шаҳрида бўлиб эдим, бу гал Бухорони кўриш ниятидаман. Менга айтишларича, қадимий Хива шаҳри ҳам ўз жозибдорлиги

«Матбуот конференциясида сўнг ХОҚ Президенти Хуан Антонио Самаранч республика Миллий Олимпия кўмитаси билан бирга, Халқаро дўстлиги саройи ёнидан Навоий номи Миллий бог сари байрам сайига чиққан одамлар оқими билан қизиқди ва бу оқимга қўшилиб, байрам сурурини дилдан ҳис қилишни ихтиёр этди. ХОҚ Президенти адамшаранг эди, зеро, уни миллий богда дорбозлар ўйини қарши олди ва ўтган йилда каби яна бир ҳайратга солиди. Самаранч ўз қариятларини кўз қарочиғидек асраб-авайлаб келатган, ардоқлаётган ўзбек халқининг аъналаридан масрур бўлганлигини эътироф этди.

Президент кубоги турнири қатнашчилари ТЕННИС ОЛАМИДА ЧАҚМОҚДЕК ЧАҚНАБ ПАЙДО БЎЛГАН ЮЛДУЗ

Испаниялик теннисчи Фелекс Мантиллар ракетка усталари орасига қўтилмаганда тез шиддат билан кириб келдики, ҳатто жаҳон матбуоти аҳли ПТА рейтинг рўйхатида кун сайин юқори поғонага кўтарилаётган бу теннисчининг сурагини танибмай, анча шошиб қолди.



Мувахассиларнинг эътирофи этишича, агар Мантилла кум қорлардаги муваффақиятларини шу маромада давом эттирсан тез орада унинг сурагилари жаҳон спорт нашрларининг биринчи саҳифасини эгаллаши шубҳасиз. Профессонал теннисчилар орасида бундан бор-йўғи уч йил муқаддам пайдо бўлган бу теннисчи икки йил ичида ПТА рейтинг рўйхатида минглик даволдан 84-ўринга, кейинги йили эса 16-поғонага қўтарилди.

Фелекс Мантилла 1974 йил 23 сентябрда Барселона шаҳрида туғилган, 22 ёшда. Ун ёшидан бошлаб теннис билан шуғуллана бошлаган. 1993 йилдан бошлаб профессионал теннисчи ҳисобланади. Уч йил давомида Пунто дель Еста, Неаполь, Сан — Марино, Амстердам, Штутгард, Монте-Карло каби шаҳарларда ўтказилган ПТА паноҳидаги турнирларда қатнашиб, 416 минг 291 доллар, шу жумладан, ўтган йили 836 минг 556 доллар ишлаган.

«Президент кубоги» турнирига, Тошкентга биринчи марта келиши. У бу йилги турнирнинг «биринчи ракеткаси соҳиби» ҳисобланапти. Табиийки, Мантилла ушбу турнирда ўз олдинги юқори

Кеча пойтахтимизда «Президент кубоги» учун теннис бўйича учинчи халқаро турнир тантанали равишда очилди

БАЙРАМ ШУКУҲИ «ЮНУСОБОД» КОРТЛАРИГА КЎЧДИ

«Мустақиллик» майдонидан бошланиб, хур диёримизнинг барча бурчаклари бўйлаб тарқалган байрам тантаналари ва шуқуши кеча пойтахтимизнинг энг юқори нуқтасида жойлашган «Юнусобод» теннис мажмуида кўчиб ўтди. Дунёнинг барча овоз ва хур мамлакатлари қаторига қўшилган юртимиз довуриғи кейинги йилларда ўзига хос оламга ёйиш марказларидан бирига айланган ушбу ажайиб спорт маскани айни кунда жаҳоннинг 22 мамлакатидан келган профессионал теннисчиларни ўз бағрига олган.

Мамлакатимизда учинчи марта ўтказилаётган «Президент кубоги» турнирининг байрамона руҳи ва қизгин теннис беллашувлари завқдан бебаҳра қолмаслик ниятида булган пойтахтимиз аҳолиси ва спортсеварлар оқими тийма теннис мажмуи сари келиб турибди. Бу ерда ёши етмиш-саксонни қоралаган қариялардан тортиб, «Президент кубоги» турнири рами акс эттирилган оппоқ шапка ва спорт кийимлари кийиб олган, дилларида туғён ураётган болаликка хос минг бир орзулар каби дунёнинг машҳур теннисчилари орасида завқланиб, тўлиб-тошиб юрган болаларини ҳам учратиб мумкин. Болаларнинг завқ-шақи, ҳаяжони табиий бир ҳол, албатта. Бу йилги турнирнинг катталарни, жумладан, юртимиз спортсеварларини теннисга мутасадди қилишларини ҳам ҳаяжонга солаётган баъзи бир жижалари борки, бу ҳақда, албатта, тўхтаб ўтиш жоиз.

баҳсларини муваффақиятли янгулади ва асосий сет мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бироқ, кўрға асосий сет баҳсларининг дастлабки учрашувидек унга турнирнинг «биринчи ракеткаси соҳиби» Хорди Арресни қарама-қарши қўйди ва у тенгма-тенг курашда мағлубиятга учради.



Нафакат Саволт, балки ўтган йилги турнирнинг қатнашчилари бўлган испаниялик Эмилио Алварес, россиялик Андрей Черкасов, аргентиналик Мигел Пастура каби теннисчиларнинг ҳам бу йилги рейтинг бўйича ўрни аввалги йиллардагига нисбатан 45 дан 200 поғонагача юқоридир. Шунинг узидан ҳам билса бўладики, «Президент кубоги» турнири бу йил янада кучли теннисчиларни ўзига жалб қилди. Гарчи мажмуида Олег Огородовнинг мажорати ошган, бу йил турнирнинг «иккинчи ракеткаси соҳиби» ҳисобланаётган бўлса-да, спортсевар мухлисларни худди ана шу нарсга, яъни қатнашчиларнинг кучлидиги ҳаяжонга солапти ва ўз навба-

тида бу ҳол ажойиб, кескин, қизиқарли беллашувлар бўлишдан далолат бериб турибди, мухлислар бундан мамнун. Юртимиз теннис мутасаддиларини ва «Президент кубоги» турнирнинг нуфузини янада ошириш йўлида интиляётган Сасон Кашури раҳбарлигидаги «ИПТ Лимитед» компанияси аъзоларини бошқа бир муҳим нарсга қиттиқроқ ҳаёжонлантирди. Маълумки, икки йил давомида юртимизда ўтказилган «Буюк ипак йўли» сателит турнирлари бу йил яна бир поғонага, яъни «челленжер» босқичига қўтарилди. Мамлакатимизда халқаро андозларга мос келадиган бир қатор теннис мажмуалари барпо этилган, етарли шарт-шароитлар муҳай қилинган боис Фарғона, Андижон, Самарқанд вилоятлари «Президент кубоги»га турдош бўлган профессионаллар ўртасидаги йирик турнирларни қабул қилди. Наманганда эса Усемирлар ўртасида яна бир йирик халқаро турнир ўтказилди. Халқаро талабларга жавоб берадиган теннис иншоотларини барпо этиш ишлари юртимизда тобора кенг қулоқ ёзаяпти. Теннис мухлислари Марк Дарбинни яхши билишди. У жаҳоннинг энг кучли ва обрўли теннисчиларидан бири америкалик Андре Агасини халқаро теннис ташкилотларининг белгиланган тартиб-қоидаларини бузганлига айбоб, уни маълум муддатга халқаро мусобақалардан четлатган ва бу қатъийликни, тўғрисузлиги, ҳаққонийлиги, мурасасизлиги билан обрў-эътибор қозонган.

«Президент кубоги» турнирининг келгуси йилдан бошлаб АТР сериясига, яъни жаҳондаги йирик профессионал турнирлар орасида иккинчи поғонада турувчи турнирлар даражасига қўтарилиш кўтарилишига кўпроқ ана шу супервайзирнинг фикрларига боғлиқки, С. Кашури ва унинг командаси ҳамда юртимиз теннис мутасаддиларини тўлқинлантириб турган ҳаяжон шу ҳол билан изоҳланади. Тенниссеварларимизга шуни маълум қилишимиз мумкинки, Марк Дарби биз билан булган қисқача мулоқотда у ўзининг юртимиз теннисчи ҳақидаги дастлабки таассуротлари фақат ижобий эканлигини билдирди.

«Президент кубоги» учун учинчи халқаро турнирнинг яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари, ташкилий томондан томошабинларга маълум бўладиган қизиқарли жиҳатлари маъжудки, бундан сиз азиз мухлислар теннис мажмуида келиб бевосита ёки юртимиз оммавий ахборот воситалари, жумладан, газетамизнинг навбатдаги сонлари орқали бевосита кузатиб боришингиз мумкин. Ўйлаётганимиз, аввалги йилларда тулланган тажриба қўл келиб, «Президент кубоги» учун ўтказилаётган учинчи халқаро турнир ўзининг ташкилий жиҳатлари, уюшқоқлиги, томошабинлар ва теннисчиларга яратилган шарт-шароитлар, маданият-мансий хизмат кўрсатиш жиҳатлари ўйинларнинг юқори савияда, кескин, мурасасиз курашларга бой бўлиши билан барча-барчага манзур бўлади ва унинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошиб, бенинор юртимизда кўпроқ-кўпроқлардан, океанлар ортдан-ортдан кўпайиб келувчи теннисчилар сафи кенгайиб бораверсиди.

Р. ЭРМУХАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

МУСОБАҚАНИНГ БЕШИНЧИ РАКЕТКА СОҲИБИ

Андрей Черкасов 1988 йилда профессионал теннисчилар қаторидан жой олди. У совет ЦСРда профессионал спортчи мактебига эришган дастлабки теннисчилардан эди (Андрей Черкасов, Александр Волков ва Наталья Зверева билан бирга).

1989 йил 1 майда Черкасов профессионал теннисчиларнинг жаҳон классификациясида 49-ўринга эгаллаб, 50 та энг кучли ўйинчилар сафига кирди. У ўшандан бери ўз рейтингини мунтазам равишда ошириб келмоқда ва 1990 йилда 21-ўринга чиқди.

1990 йилда Черкасов Австралия ва АҚШнинг очик чемпионатларида чорак финал иштирокчиси бўлди. Бироқ Андрей ўзининг теннис соҳасидаги энг катта ютуқларини Москвадаги Кремль Кубоги турнирида қўлга киритган. У икки марта — 1990 ва 1991 йилларда ана шу юқори нуфузли турнирнинг голиби бўлган. Яна тўрт марта, турли йилларда, Черкасов ПТАнинг Сидней, Брюссель, Болонья ва Бухарестдаги турнирларида финалда ўйнаган. Андрейнинг бу йилги ютуқлари жуда ҳам қўйил қоларлик эмас. Эҳтимол, шу нарсани қайд қилиб ўтиш мумкинки, у жаҳон классификациясида иккинчи юзликдаги ўйинчилар орасидан муқим ўрин эгаллаган. Россиялик теннисчининг Индиан — Уэзлелдаги «Челленжер»нинг ярим финалига чиққалиги (ва гер-



маниялик Алекс Раддлеску ва чехиялик Ян Кросяк устидан қозонган галабалари), шунингдек Неаполдаги «Челленжер»нинг чорак финалида ўйнаганлигини унинг бу йилги мавсумдаги турнирларда эришган қўққилари сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бошқа барча мусобақаларда Черкасов дастлабки икки даврдек кураш майдонини тарк этган. Андрей Черкасовнинг эътирофи этишича, унинг учун энг асосийи-теннис. У мусика, Миср ва Қадимий Греция тарихига оид китобларни, шунингдек баллиқ овлашни яхши кўради.

Халқ сўзи. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар ЖҮРАБОВ. БУЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва кадрлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодийёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Туғли муҳарририят 33-10-28; Эълонлар 36-09-25, Вактёр-33-10-60. МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Худобер. Навбатчи — Ш. Каримов.